

ҲИКОЯ ЖАНРИНИНГ ВУЖУДГА КЕЛИШИНИНГ НАЗАРИЙ ВА ТАРИХИЙ АСОСЛАРИ

Фаридун Фархадович ЮЛДАШОВ

Докторант

Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети Марказий Осиё
халқлари тиллари ва маданияти институти

Самарқанд, Ўзбекистон

faridun.yuldashov.1989@mail.ru

Аннотация

Ушбу мақолада форс-тожик ва ўзбек адабиётида ҳикоя жанрининг пайдо бўлиши, тарихий тараққиёти ва назарий асослари илмий манбалар асосида таҳлил қилинган. Тадқиқотда ҳикоя жанрининг илдизлари қадимги оғзаки ижод анъаналари, зардуштий давр ёдгорликлари ҳамда классик адабиёт намуналари билан боғлиқ ҳолда ўрганилган. Шунингдек, “ҳикоят” ва “ҳикоя” тушунчаларининг луғавий, назарий ва жанрий хусусиятлари қиёсий таҳлил қилиниб, улар ўртасидаги маъновий ҳамда шаклий тафовутлар очиб берилган. Тадқиқот натижалари ҳикоя жанри табиати ва унинг адабий тараққиётдаги ўрни илмий жиҳатдан аниқлашда муҳим аҳамият касб этади.

Таянч сўзлар: адабиёт, ҳикоя жанри, ҳикоят, оғзаки ижод, муҳокот, тафовут.

ТЕОРЕТИЧЕСКИЕ И ИСТОРИЧЕСКИЕ ОСНОВЫ ОЗНИКНОВЕНИЯ ЖАНРА РАССКАЗА

Фаридун Фархадович ЮЛДАШОВ

докторант

Института языков и культуры народов

Центральной Азии Самаркандского государственного университета имени

Шарофа Рашидова

Самарканд, Узбекистан

Аннотация

В данной статье на основе научных источников анализируются возникновение, историческое развитие и теоретические основы жанра рассказа в персидско-таджикской и узбекской литературе. В исследовании истоки жанра рассказа рассматриваются в тесной связи с традициями древнего устного народного творчества, памятниками зороастрийской эпохи и образцами классической литературы. Также проводится сравнительный анализ лексических, теоретических и жанровых особенностей понятий «хикоят» и «хикоя», раскрываются их смысловые и формальные различия. Результаты исследования имеют важное значение для научного определения природы жанра рассказа и его места в литературном процессе.

Ключевые слова: Литература, жанр рассказа, народное творчество, мимесис, различие.

Ҳикоя жанри бадиий адабиётнинг кенг тарқалган ва машҳур жанрларидан бири ҳисобланиб, унинг шаклланиш ва ривожланиш тарихи узоқ асрларни қамраб олади. Бу кичик эпик жанр кўп йиллар давомида мазмун, мундарижа, шакл ва моҳият жиҳатидан такомиллашган. Ҳикоя жанрининг пайдо бўлиш тарихига адабий ва илмий манбалар асосида назар ташласак, унинг қадимий илдизлари исломдан олдинги даврларга бориб тақалиши ва кўча-бозорлардаги қиссахонлар, номаълум ровийлар ҳамда дostonчилар фаолияти билан боғлиқ экани маълум бўлади. Бу сўз усталари асосан мажлислар, бозорлар, халқ йиғинлари ва давраларда ўзларининг таъсирчан овози ва юксак баён маҳорати орқали тингловчиларни ўзига жалб этган ҳамда дoston, қисса, афсона ва оғзаки ривоятларни халқ орасида тарқатганлар. Шу тариқа улар нафақат ахлоқий, ижтимоий ва миллий қадриятларни тарғиб қилган, балки адабиёт, маданият, тарих ва жамият эзгу анъаналарини асраб қолиш ҳамда халқ оғзаки ижодини кенг ёйишга хизмат қилганлар.

Эронлик машҳур адабиётшунос ва тадқиқотчи доктор Сирус Шамисо бу ҳақда шундай таъкидлайди: “Дostonларни ёзиш (ҳикоянавислик – *Ф.Ю.*) форс-тожик адабиётида кенг ва эътиборли заминга эга бўлиб, унинг тарихи исломдан олдинги даврларга бориб тақалади. Эронда наққоллик ва дostonчилик қадимги Юнон ва Европадаги саҳнавий адабиёт вазифасини бажарган. Дostonчилар деб аталувчи бир тоифа одамлар кўча ва бозорларда атрофига халқни тўплаб, уларга қиссалар айтиб берганлар (кейинги давр наққоллари каби)... Ислom даврида ҳам бу анъана давом этган. Шунинг учун халқнинг аксар қисми саводсиз бўлганига қарамай, шеър ва дoston эшитиш имкониятидан маҳрум бўлмаган” [5; 197–198].

Асрлар ўтиши билан мазкур қадимий оғзаки ривоят, ҳикоят ва дostonлар аста-секин ёзма шаклга ўта бошлаган. Бу жараённинг тарихи тахминан уч минг йил аввалги даврларга бориб тақалади. Жумладан, зардуштийлик динининг муқаддас китоби бўлган ва жаҳон маданий-маънавий меросининг энг қадимий ёдгорликларидан бири саналувчи

“Авесто”да зардуштий илоҳларга бағишланган мадҳиялар билан бир қаторда, осие халқларининг қаҳрамонлик дostonлари ҳам учрайди. Уларда паҳлавонлар, мифологик жанрлар ва қадимги халқ орзу-интилишлари акс эттирилган бўлиб, тарихий ва адабий манба сифатида катта аҳамиятга эга. Масалан, Араш ва Сиёвуш ҳақидаги қиссалар шулар жумласидандир. Айтиш жоизки, ушбу қаҳрамонлар номи “Авесто”да жуда қисқа ва ишоравий тарзда келтирилган. Яъни улар мукамал дoston шаклида эмас, балки қадимий даврлар билан боғлиқ эпик қаҳрамонлар сифатида тилга олинади. Кейинчалик асрлар давомида улар ҳақидаги ривоятлар қайта ишланиб, кенгайиб борган ва “Худойнома”, Абулқосим Фирдавсийнинг “Шоҳнома”си ҳамда бошқа манбаларда тўлиқ шаклга келтирилиб, бизгача етиб келган. Араш (паҳлавий тилда: Aršak; авестий матнларда: Ereškša ē Airyoха) “Авесто”да Дамованд тоғининг чўққисидан ўқ отган паҳлавон сифатида тилга олинади. Бу образ китобда ўз жонини қурбон қилиш эвазига она юртини душман зулмидан қутқарган, тинчликпарвар ва ҳақиқий чегара белгиловчи қаҳрамон сифатида тасвирланган.

Бундан ташқари, Ҳахоманишийлар даврига оид қадимий ёдгорлик бўлган Бесутун битикларида ҳам бадиий ривоят унсурларини кузатиш мумкин. Мазкур ёдгорлик Эроннинг Кирмоншоҳ шаҳри яқинидаги Бесутун тоғида Доро I фармони билан тошга ўйиб ёзилган бўлиб, тарихий, адабий ва тилшунослик жиҳатидан энг муҳим манбалардан бири ҳисобланади. Унда Гаумата мажусининг кўзғолони ва унинг Доро Буюк томонидан йўқ қилиниши ҳақидаги воқеалар жуда қизиқарли ва мазмунли тарзда баён этилган бўлиб, уни драматик ва қаҳрамонлик унсурларига эга тарихий дoston сифатида баҳолаш мумкин.

Китобшунос, тарихчи ва буюк тадқиқотчи Ибн ан-Надим ўзининг “Ал-Фехрист” асарида шундай ёзади: “Қадимги форслар ривоят ва қиссаларни яратиб, уларни китобларга ёзган ва хазиналарида сақлаган биринчи халқлардан эди; уларнинг кўпчилиги ҳайвонлар тилидан айтилган афсоналар шаклида бўлган” [4; 539].

Бу мулоҳазаларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, Ҳахоманишийлар ва Парфиялар давридаёқ ёзма дoston ва ҳикоятлар яратиш анъанаси шакллана бошлаган ҳамда улар китоб шаклида давлат ёки сарой хазиналарида сақланган. Демак, айнан шу даврда жамиятда аста-секин “дафтарнавислар” деб аталувчи қатлам вужудга келган.

Ушбу гуруҳ вакиллари халқ ва диний мазмундаги дoston, қисса ҳамда ривоятларни наққоллар ва қиссахонлардан эшитиб, уларни тўплаган, китоб (дафтар) шаклида ёзма равишда қайд этган ва йўқолиб кетишдан асраб қолганлар. Айнан уларнинг саъй-ҳаракати туфайли оғзаки адабиёт ёзма адабиётга айланган ҳамда классик адабиёт ривожини учун замин яратилган. Масалан, “Тўтинома”, “Абумуслимнома”, “Қиссаи Марямшоҳ” ва “Равзат уш-шуҳадо” дафтарнавислар томонидан ёзилган машҳур асарлар намунасидир. Бугунги кунда мазкур асарлар маданий ва тарихий ёдгорлик сифатида катта аҳамият касб этади.

Сосонийлар давридан ҳам кўпгина насрий дostonлар бизгача етиб келган, исломдан кейинги даврда ҳам бундай асарлар намуналари кам эмас. Айнан шундай асарларнинг яратилиши натижасида асарлар давомида ҳикоят ва ҳикояларнинг шакл ҳамда мазмуни ўзгариб, мавзу доираси кенгайди, мазмун жиҳатидан бойиди, жанрий чегаралари ва моҳияти янада аниқ ва мукамал тус олди. Натижада адабиёт майдонига шундай ижодкорлар кириб келдики, улар мазкур жанр талаблари доирасида турли мавзуларда ҳикоят ва ҳикоялар ёза бошладилар.

Ҳикоя жанри ҳақида сўз юритилар экан, айтиш жоизки, илмий адабиёт ва назарий манбаларда “ҳикоят” атамаси ҳам қўлланилиши кузатилади. Бу икки сўз кўпинча бир-бирининг ўрнида ишлатилади. Шу ўринда табиий савол туғилади: “ҳикоят” “ҳикоя”дан фарқ қиладими ёки улар муродиф сўзлар ва жанрий жиҳатдан бир хил тушунчаларми?

“Ўзбек тилининг изоҳли луғати”да “ҳикоя”, “ҳикоёт” ва “ҳикоят” сўзлари “нақл, қисса, ривоят” маъносида изоҳланган [1; 64]. “Фарҳанги тафсирии забони тоҷикӣ”да ҳам “ҳикоёт” – “ҳикоя (дostonлар, қиссалар)”

тарзида, икки маънода шарҳланган: 1. Бирор воқеа ёки дostonни нақл қилиш. 2. Ҳажман кичик бўлган насрий бадий асар бўлиб, унда муайян воқеа ёки саргузашт тасвирланади; қисса, саргузашт. “Ҳикоя қилиш” – нақл қилиш, саргузаштни ривоят этиш маъноларини англатади [3; 505]. “Фарҳанги забони тоҷикӣ”нинг иккинчи жилдида ҳам “ҳикоя” шу каби маънода талқин қилинган [2; 744].

Бироқ луғат ва қомусларда мазкур сўзлар бир хил маънода изоҳлангани билан, улар адабиётда мутлақо бир хил ҳодиса, шакл ва мазмунга эга, деб бўлмайди.

Кўпгина илмий ва адабий манбаларда, жумладан, “Энcиклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик”нинг учинчи жилдида ҳам ушбу икки тушунча бир маънода талқин қилиниб, шундай таъкидланади: “Ҳикоя, ҳикоят (арабча – нақл, қисса, ривоят, сўз) инсон ҳаётининг муҳим лаҳза ва ҳолатларини қамраб олувчи эпик асар туридир. Ҳикоя форс-тожик ва ўзбек адабиётининг энг қадимий жанрларидан бири ҳисобланади”. “Ҳикоя” атамаси илк бор “Тафсири Табарий” да (“Ҳикоя” атамаси “Тафсири Табарий”да асосан нақл ва ривоят маъносига қўлланилган бўлиб, Қуръон оятларини шарҳлаш мақсадида ўтмишдаги воқеа ва қиссаларни баён қилишни англатган. Мазкур атаманинг қўлланилиши кейинчалик форс-тожик адабиётига ҳам таъсир кўрсатди. Натижада “ҳикоя” сўзи қисса ва ривоят маъноларида кенг истеъмолга кириб, янги жанрий шакл касб этди, ахлоқий, тарихий ва панд-насихат мазмунидаги қиссаларга айланди ҳамда кейинчалик бадий ҳикоя жанрининг шаклланиши учун асос бўлиб хизмат қилди.) қўлланилган. Кейинчалик ҳикоялар адабий, тарихий, диний, тасаввуфий ва бошқа асарларда воқеаларни тўлдириш ва мазмунни шарҳлаш, тарбиявий, ижтимоий ҳамда диний-мафкуравий ғояларни тасдиқлаш воситаси сифатида келтирилган” [6; 471].

Бироқ айрим адабиётшунос олимлар ва мунаққидлар “ҳикоят” ҳамда “ҳикоя” ўртасида муайян фарқ мавжуд, деган фикрни илгари сурадилар. Дарҳақиқат, тил тарихи, шаклий тузилиш ва маъновий вазифаси нуқтаи назаридан бу икки тушунчани айнан бир хил дейиш нотўғри. Масалан, араб

тилишуноси, фақиҳ, тарихчи ва луғатшунос олим Ибн Манзур ўзининг “Лисон ул-араб” (1290) асари (20 жилддан иборат бўлган, араб тилининг энг мукамал классик манбаларидан бири сифатида тан олинган ва бугунга қадар илмий аҳамиятини сақлаб келаётган луғат)да “ҳикоят” сўзи арабча “ҳақа” (حكى) феълидан келиб чиққанини таъкидлайди. Бу феъл “ўхшатмоқ, нақл қилмоқ, бирор нарсани муайян тарзда ифода этмоқ ва тақлид қилмоқ” маъноларини англатади. “Ҳикоят” масдари араб ва форс-тожик тилларида асосан баён қилиш жараёни ёки амалини ифодалаш учун қўлланади [10].

Луғатшунос, муҳаддис, фақиҳ ва ҳижрий саккизинчи асрнинг йирик алломаларидан бири Маждуддин Муҳаммад ибн Яъқуб ал-Файрузободий ҳам ўзининг “Ал-Қомус ул-муҳит” (القاموس المحيط) асарида сўзларнинг маънолари, сарфий шакллари, маъновий ва мажозий қўлланишларини изоҳлар экан, “ҳикоят” сўзининг маъносини классик муҳокот (Тақлид ва ўхшатиш. “Муҳокот” (“mimesis”) тушунчаси классик адабиёт ва санъат назариясининг энг муҳим асосий категорияларидан бири ҳисобланади. Ушбу тушунча илк бор Қадимги Юнон фалсафасида, айниқса Афлотун ва Арасту асарларида тизимли равишда назарий жиҳатдан ишлаб чиқилган бўлиб, кейинчалик таржималар ва шарҳлар орқали исломий маданий муҳит ҳамда форс адабиётига кириб келган. Муҳокот юнонча “mimesis” атамасининг таржимаси бўлиб, умумий маънода “ўхшатиш” ёки “воқеликни қайта яратиш” тушунчасини англатади. Арасту “Поэтика” асарида таъкидлаганидек, “муҳокот – бу санъат яратиш амали бўлиб, унда инсон ақлий ва тасаввурий қобилиятлар ёрдамида воқеликни айнан эмас, балки ўзгартирилган ва маънодор шаклда ифода этади”. Шу сабабли муҳокотни на оддий воқеа баёни ва на мутлақ хаёл билан тенглаштириш мумкин. Адабиётда муҳокот турли даражаларда намоён бўлади. Шу маънода дoston, ҳикоят, афсона ва масал каби жанрлар айнан муҳокот асосида шаклланишини айтиш мумкин. Улар воқеликни рамзий ва бадий тарзда ифода этади, шу орқали ўқувчига чуқурроқ маънони англаш имконини беради.) тушунчасига яқин деб

баҳолайди, бироқ замонавий “ҳикоя” тушунчаси билан тенглаштирмайди [11].

Буюк луғатшунос, ёзувчи ва журналист Алиакбар Деххудо ҳам форс тилининг энг машҳур ва мукаммал луғати бўлган “Луғатномаи Деххудо”да “ҳикоят” сўзига қуйидаги маъноларни келтиради: “бирор нарсани қайта айтиш, қайта ҳикоя қилиш, сўзни нақл қилиш, бировнинг гапини етказиш, нақл қилиш, ўхшашликни кўрсатиш. Достон, матлаб, масала, воқеа, хабар, сўз, нутқ, нақл, ҳадис” [7; 68]. Мазкур луғатда Деххудо “ҳикоят” ва “ҳикоя” тушунчаларини ҳам шарҳлайди. Улардан шундай хулоса чиқариш мумкинки, “ҳикоят” асосан қисқа шаклдаги нақл бўлиб, кўп ҳолларда воқеани баён этади, ахлоқий, тарихий ёки хабар хусусиятига эга бўлади. У мураккаб бадиий тузилиш ва драматик ривожланишни талаб этмайди.

“Ҳикоя” эса нисбатан кенг ва мукаммал тузилишга эга бўлиб, адабий хусусият касб этади. Унда воқеалар изчиллиги сақланади. Аксарият ҳолларда бадиий тўқима ёки эпик тасвир устун бўлади, ҳажм жиҳатдан кенгроқ, қаҳрамонлар ва воқеалар ривожига эга бўлади.

Тилшунослик нуқтаи назаридан ҳам “ҳикоят” феълга яқин бўлиб, жараён ва ҳаракатни билдиради, “ҳикоя” кўпроқ тайёр матн, мустақил адабий бирлик ёки ижод маҳсулини англатади.

Маъно жиҳатдан ҳам “ҳикоят” аввало нақл қилиш ёки ўхшатишни билдиради. Шунинг учун классик матнларда “ҳикоят қилиш” кўпинча “мисол келтириш, тамсил айтиш ёки бирор ҳолатни бошқа нарсага ўхшатиш” маъносида қўлланган. Аксинча, “ҳикоя” кўпроқ ҳосил бўлган матнга ишора қилади: яъни муайян бошланиш, воқеалар ривожини ва ўз якунига эга бўлган насрий ёки бадиий матнни англатади.

Классик адабиётга назар ташласак, “ҳикоят” аксар ҳолларда бўлим сарлавҳаси ёки маънавий-ахлоқий ғояни баён қилиш воситаси сифатида қўлланганини кўрамиз. Масалан, Саъдий Шерозиёнинг “Тулистон” асарида “ҳикоят” асосан тамсилий ва ахлоқий вазифани бажаради. Бундай матнларда ҳикоят қисқа, ривоят тузилиши жиҳатидан тўлиқ шаклланмаган ва муайян

ахлоқий ғояга бўйсундирилган бўлиши мумкин. Демак, “ҳикоят” бу ерда кўпроқ восита вазифасини бажаради, мақсад эмас.

Тадқиқотчи Мақсуд Қурбонниёзов ҳам “XIV аср ўзбек адабиёти жанрлари шаклланишининг ўзига хос хусусиятлари” номли мақоласида “ҳикоят” ва “ҳикоя” ўртасидаги фарқ ҳақида фикр юритиб, қуйидагича таъкидлайди: “Ҳикоят – кўҳна адабий жанрлардан бири бўлиб, ҳажман кичик, маълум тарихий ёки тўқима қаҳрамоннинг бирон қиррасини баён қилишни мақсад қилиб олган, катта ижтимоий мазмун ифодасига эга бўлган адабий жанрдир. Аксарият ҳолларда ахлоқий-таълимий, ижтимоий мазмундаги воқеалар ҳикоятнинг объекти бўлиб, ўз даврининг маънавий юксалишига хизмат қилади.

Ҳикоя кичик эпик жанр бўлиб, қаҳрамоннинг ҳаётидаги битта ёки бир неча воқеа тасвирланади. Баъзан бу жанрда ҳикоячи образи ҳам иштирок этади. Мумтоз адабиётдаги ҳикоятга нисбатан ҳажман катта бўлиб, композицион жиҳатдан воқеаларнинг кенгайтирилган шакли, воқеалар баёни ҳам давомли бўлади, сюжетнинг барча қисмлари амал қилади. Ҳикоя жанри бўйича адабиётшуносликда кўп тадқиқотлар бор” [8; 86].

Ушбу мулоҳазаларга таянган ҳолда айтиш мумкинки, айнан Ғарб адабиёти таъсири ва янги жанрларнинг шаклланиши натижасида “ҳикоя” замонавий адабиётда мустақил адабий шакл сифатида мустаҳкам ўрин эгаллади. Бу ўзгариш “ҳикоя”нинг оддий баён воситаси даражасидан мустақил жанр мақомига кўтарилганини кўрсатади.

Хулоса қилиб айтганда, тарихий ва назарий таҳлиллар шуни кўрсатадики, “ҳикоят” ва “ҳикоя” ҳар қанча бир илдиздан келиб чиққан бўлса-да, шаклий ва маъновий жиҳатдан муайян фарқларга эга. “Ҳикоят” кўпроқ жараён, амал ва тамсилий вазифани англатса, “ҳикоя” мустақил адабий шакл ва шу жараённинг маҳсули ҳисобланади. Бу икки тушунчани алоҳида қўллаш адабиётшунослик тадқиқотларининг аниқлиги ва классик ҳамда замонавий матнларни тўғри англаш учун муҳим аҳамиятга эга. Уларнинг фарқини эътибордан четда қолдириш эса адабий матн таҳлилининг

ноаниқлашувига олиб келади: баъзан жараён матн билан, баъзан эса мазмун шакл билан аралашиб кетади. Шу боис тадқиқот жараёнида терминлардан онгли ва аниқ фойдаланиш зарур ҳисобланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Ўзбек тилининг изоҳли луғати. – Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Lex.uz
2. Фарҳанги забони тоҷикӣ. Иккинчи жилд. – Москва: Советская энциклопедия, 1969.
3. Фарҳанги тафсирии забони тоҷикӣ. Пажӯҳишгоҳи забон ва адабиёти ба номи Рӯдакӣ. – Душанбе, 2008.
4. Ибни Надим, Муҳаммад ибни Исҳоқ. Китоб ал-Фихрист. Ризо Тачаддуд тасҳеҳи / Н.М.Исҳоқ. – Техрон, 1973.
5. Сирус Шамисо. Анвоъи адабӣ (тўртинчи нашр). – Техрон: Митра, 1386.
6. Энциклопедияи адабиёт ва санъати тоҷик. Сарредаксияи Энциклопедияи миллии тоҷик. – Душанбе, 2004.
7. Луғатнома. VI жилд (зери назари доктор Муҳаммад Муин ва доктор Сайид Чаъфар Шаҳидӣ). Техрон. Муассисаи луғатномаи Деххудо. 1998
8. Илм сарчашмалари. Урганч давлат университетининг илмий-назарий, методик журнали. 9-сон, 2022 йил.
9. Раҳмонов Н. Ўзбек адабиёти тарихи. – Тошкент: Sano-standart, 2017.
10. <https://shamela.ws/book/1687>
11. <https://shamela.ws/book/7283>